Volume 2, Issue 2,2024

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КИЧИК БИЗНЕСНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА “УЗЛУКСИЗ ХИЗМАТЛАР ЗАНЖИРИ”НИ ЯРАТИШГА ДОИР ОЛИБ БОРАЁТГАН СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА

Бойназаров Рауф Холмуминович
«Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ
Кичик бизнесни молиявий ва консультатив қўллаб-қувватлаш департаменти бошқарма бошлиғи

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг бизнес вакиллар билан очиқ мулоқотлари натижасида тадбиркорлик соҳасида кўплаб тизимли муаммолар ҳал этилди, шу жумладан бизнес юритишни соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай молиялаштириш тизими ва инфратузилма яратиш ҳамда мулк ҳуқуқини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2023 йил 18 август куни тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқотида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича “узлуксиз хизматлар занжири”ни яратиш ташаббусини илгари сўрди ва “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ негизида “Бизнес ривожлантириш банки” АТБни ташкил этилиб, банкнинг таъсисчилигида Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Жамғармаси ва унинг 14 та ҳудудда Кичик бизнесга кўмаклашиш Марказлари ўз фаолиятини бошлади.

Бугунги кунда, “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ томонидан “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини амалга ошириш мақсадида микробизнес вакилларини кичик бизнесга олиб чиқиш ва уларнинг бир қисмини ўрта бизнесга ўтказиш мақсадида “микробизнес - кичик бизнес - ўрта бизнес” жараёнларни бошқариш назарда тутилган “Бизнес портал” платформаси ишга туширилмоқда.

Мазкур платформа орқали микробизнес ва кичик бизнес вакиллари ўзларининг молиявий саводхонлик курсларида ўқиши, ўқишни муваффақиятли якунлаган тадбиркорлар бизнес лойиҳани ишлаб чиқишда Кичик бизнесга кўмаклашиш Марказлардан ёрдам сўраши, кредит, лизинг, фоизсиз қарз, улуш киритиш ва грант каби молиявий инструментлардан фойдаланиши мумкин. Шунингдек, мазкур платформа орқали молиявий инструментлардан фойдаланган тадбиркорларнинг амалга ошираётган лойиҳалари мониторинги юритилиб, уларга солиқ маъмурчилиги, бухгалтерия, тадбиркорларга яратилган имтиёз ва перефенсиялар, енгилликлар ва имкониятлар тўғрисида консультация хизматлари кўрсатиб борилади.

“Бизнес портал” платформасида бизнес жараёнлар қуйидагича амалга оширилади:

- ташаббускор Бизнес платформа орқали онлайн ариза беради ва скорингдан ўтказилади;
- ҳоким ёрдамчилари бевосита жойига чиқиб, тадбиркорнинг микробизнесдан кичик бизнесга ўтказишга қўйилган талабларнинг бажарилганлиги урганади;
- уларнинг ижобий хулосасига кўра, лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш гуруҳлари тадбиркорларнинг тадбиркорлик кўникмаси ва бизнес режаларининг яшовчанлигини баҳолаш асосида истиқболли лойиҳалар танлайди ва улар фаолият даври, пул айланмаси ва ишчилар сонига қараб тоифаларга ажратади;
- кичик бизнесга кўмаклашиш марказларида тоифасига қараб, амалий ўқув курсларида онлайн ёки оффлайн шаклда ўқитилади ва лойиҳаларнинг бизнес-режалари ишлаб чиқилади ҳамда сертификатлар берилади;
- тижорат банклари, Марказлар ва Инновацион ривожлантириш агентлиги томонидан лойиҳалар 8 та молиявий инструментлардан бири орқали молиялаштирилади;

- лойиҳа мониторинги ташкил этилади, лойиҳалар самарали ташкил этилиши устидан консультация хизматлари йўлга қўйилади ҳамда микробизнесдан кичик бизнес субъектига ўтказилган истиқболли лойиҳалар ўрта бизнесга ўтказилади ҳамда дастлабки бизнес жараёнлар якунланади.

Маълумот учун айтиш керакки, давлатимиз рахбарининг бизнес вакиллари билан ўтказилган очиқ мулоқатида 2024 йил 150 мингта янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиши, шундан 25 мингтасини ўрта бизнесга ўтказиш топшириғи берилган.

Мазкур тадбиркорлик субъектлари қуйидаги ҳолларда дастурда иштирок этиш ҳуқуқига эга:

- камида бир йил мобайнида фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари, ўзини ўзи банд қилган шахслар, ҳунармандлар, касаначилар, нодавлат таълим ташкилотлари, уч ва ундан ортиқ кишини доимий иш билан таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектлари;
- оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ўз бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб, ижобий кредит тарихига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар.

Бунда, дастурда иштирок этувчи кичик тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ёки кенгайтириш учун 2 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга ҳамда айланма маблағлар учун револвер тарзда 3 йилгача муддатга йиллик Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада 1,5 миллиард сўмгача кредитлар ажратиш ва (ёки) асосий воситаларни сотиб олиш учун лизинг бериш бунда, 100 миллион сўмгача кредитларни гаровсиз, 150 миллион сўмгача кредитларни гаров талаби 50 фоизгача пасайтирилган ҳолда ажратиш белгиланган.

“Бизнес портал” платформаси орқали банклар томонидан “100 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар”, “150 миллион сўмгача гаров талаби пасайтирилган револвер кредитлар”, “1 миллиард сўмгача кредитлар”, “1,5 миллиард сўмгача кредитлар” ва “1,5 миллиард сўмгача лизинг хизматларини кўрсатиш” кредит маҳсулотларини тақдим этмокда. Шунингдек, Кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари томонидан 1,5 млрд.сўмгача фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан қарзга асосий восита олиб бериш, 1,0 млрд сўмгача лойиҳа ташаббускорининг тақдим этаётган лойиҳасида иштирок этиши кўзда тутилган.

Шунингдек, 1,0-1,5 млрд.сўмгача кредит (лизинг, бўлиб тўлаш шарти билан қарз) маблағларидан фойдаланиш учун тадбиркорлик субъектларидан талаб этиладиган асосий шартлардан бири охирги 12 ой давомида 1,0 млрд.сўмгача кредитлар бўйича 500 млн.сўмдан 10 млрд.сўмгача ва 1,5 млрд.сўмгача кредитлар бўйича 1 млрд.сўмдан 10 млрд.сўмгача айланмага эга бўлиши назарда тутилган.

Кичик бизнесга яратилаётган имкониятлардан аксарият тадбиркорлар фойдаланиши учун қуйидаги хулоса ва таклифларни амалиётга жорий этиш орқали давлат томонидан 2024-йилда 2 миллион аҳолини бизнесга жалб қилишнинг мақсадли кўрсаткичлари эришилишига кўмакчи бўлади:

1. 100 млн сўмгача гаровсиз кредитлар ва 150 млн сўмгача гаров талаби пасайтирилган кредитлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ажратилиши назарда тутилган бўлиб, мазкур молиявий инструментдан хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш учун ҳам молиялаштирилиши бўйича қарорга тегишли ўзгартириш киритиш;
2. 1,0 млрд.сўмгача ва 1,5 млрд.сўмгача кредитлар асосий воситаларни сотиб олиш учун ажратилиши назарда тутилган бўлиб, мазкур кредитларнинг бир қисмини айланма маблағларни тўлдириш учун ҳам молиялаштирилиши бўйича қарорга тегишли ўзгартириш киритиш;

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 292-сонли қарори;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 14-сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институтсионал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-306-сонли қарори;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 ноябрдаги “Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 366-сонли қарорида;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 январдаги “2024-йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш дастури тўғрисида”ги ПҚ-7-сонли қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024-йил 20-январдаги “Кичик бизнесни узлюксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 37-сонли қарори;

